Ушбу сонда:
2 Истеъмолчи манфаати муқаддас. СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ КИМГА КЕРАК?
3 TV - ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 18 январ, шанба № 11 (1436)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

«Қўқоннон» ҳиссадорлик жамиятининг «Чорсу-2» нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси Италия технологияси асосида маҳсулот тайёрлай бошлади.

Бу ерда «Пахтабанк»нинг шаҳар бўлимидан олинган йирик кредит ҳисобига бир суткада 12 тоннагача макарон ишлаб чиқарадиган «Ла-Манферипо» ва бир кеча-кундузда 7 тонна макаронни қуритиш қувватига эга бўлган «Долзан» дастгоҳлари ўрнатилди. Бу эса маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Жорий йилнинг илк ҳафтасидаёқ 20 тоннадан ортиқ маҳсулот Тошкент ва Наманган вилоятлари савдо тармоқларига етказиб берилди.

(ЎзА).

Репродуктив саломатлик:

## ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА

Қоракўл тумани Бухоро вилояти марказидан олисда жойлашган, демографик шароити мураккаб ҳудудлардан бири. Туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисидаги Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорларини бажара бориб, соғлиқни сақлаш ишини ташкил этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиб берган.

Соғлом авлодни вояга етказишда спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Шу боис туманда спорт-соғломлаштириш майдончалари ташкил этилиб, 10 мингдан ортиқ ёшлар машғулотларга жалб қилинди.

Аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини сақлаш, оилада тиббий маданиятни оширишга жиддий аҳамият берилаяпти. 32 минг нафардан ортиқ туғиш ёшидаги хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Касал деб топилганлари шифохоналарда даволантирилди.

Ногиронликнинг олдини олиш мақсадида аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди. 1353 нафар чақалоқнинг қон намуналари вилоят «Она ва бола скрининг маркази»да текширилди. Олти ёшгача бўлган болаларнинг соғлиги ўрганилиб, касалликларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Тумандаги мавжуд 45 та мактабнинг ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардан 7858 нафари соғломлаштирилди.

Янги шифо масканлари қуриш, тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, керакли мутахассислар билан таъминлаш эътиборда турибди. Айни пайтда аҳолига 300 га яқин олий маълумотли ҳаким, 1461 нафар ўрта махсус маълумотли тиббий ходим хизмат кўрсатаяпти. Қишлоқ ва маҳаллаларга турли мутахассисликка эга бўлган шифокорлардан иборат гуруҳлар юборилиб, ҳақиқий аҳвол ўрганилаяпти.

Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш учун оилаларда тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш талаб этилади. Акушер-гинеколог, педиатр ва бошқа мутахассисликдаги шифокорлар бу муҳим ишга масъул. Акушер-гинекологлардан Хадича Исмоилова, Сайёра Собирова, болалар ҳакимлари Замира Яхшиева, Гулсум Насруллаева, Норпўлат Ражабовларни туманнинг чекка қишлоқларида ҳам яхши билишади. Бу қўли енгил саломатлик посбонлари беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин сўзлари билан ҳам даволамоқдалар.

Қарияларнинг соғлиги ҳам мунтазам назоратда. 48 нафар якка-ёлғиз қарияларга ҳакимлар ва ҳамширалар бириктилган бўлиб, касалхоналарда алоҳида хоналар ташкил қилинган. Болаликдан ногирон 430 нафар кишига ижтимоий таъминот идоралари билан бирга дори-дармонлар, ортопедик воситалар тарқатилди.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар ўсиб бораётган талабга жавоб бермайди. Оналар ва болалар ўлимини камайтириш, қариндош ва уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, касал деб топилган ҳомиладор аёлларни даволаш учун шошилинч чоралар кўриш каби юмушлар шулар жумласидандир. «Тез ёрдам» хизмати, санитар машиналарини эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш борасида ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Бу камчиликларни тугатишда туман хотин-қизлар кенгаши, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Нуроний» жамғармалари, жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари ҳамкорликда фаолият кўрсатсалар нур устига аъло нур бўлур эди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



«Бахт» пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятида айни кунларда хўжаликларда етиштирилган оқ олтиндан тайёр маҳсулот тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда.

Ҳозирда бу ерда 380 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Корхонада тайёрланган сифатли пахта толаси шу кунларда Италия, Германия, Швейцария сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

*Суратда: таъмирловчи Маъмур Тошбоев.*

**Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## БАРЧАГА МАНЗУР

***«Маъруф» хусусий фирмасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна бештага кўпайди. Бундан тўрт йил илгари Навоий шаҳрида иш бошлаган мини сут заводига Италия технологияси ўрнатилган эди. Ҳар куни корхонада беш тоннагача сут қайта ишланмоқда.***

- Хомашё етарли,- дейди фирма раҳбари Жамшид Муродов. - Бир қанча агрофирмалар, ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари билан шартнома тузганмиз. Улар бизни ўз вақтида сут билан таъминлаб турибди. Хомашёнинг ёғлилиқ даражаси 4 фоиздан ошиқ. Шу боис экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

Дарвоқе, мини завод Навоий шаҳридаги болалар боғчалари, мактаб ошхоналари, «Навоийазот» акционерлик жамияти ишчилар умумий овқатланиш корхоналари, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Зафаробод шаҳридаги 5-кон бошқармаси ишчиларини экологик тоза ва сифатли сут маҳсулотлари билан таъминламоқда. Шунингдек, вилоят марказидаги 4 та дўконда маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган.

Айни пайтда «Маъруф» тамғаси босилган қатиқ, қаймоқ, йогурт, колбаса, пишлоқ, сметана каби 15 хилдаги маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

## ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Мамлакатимизда жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонунлар ижросини таъминлаш, уларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати кучайтирилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг мамлакатимиз бўйлаб истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлаган юзлаб жамоат ташкилотларига асос солинди. Истеъмол ҳуқуқи ва маданияти ҳимояси билан боғлиқ улкан ҳаракат янада кенгаймоқда.

Тошкентда очилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Республика конференциясида ана шу ҳақда гап борди.

Ҳозиргача 7660 маҳалла, 755 уй-жой ширкати, 333 бозорда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч пунктлари ҳамда 210 туман ва шаҳарда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузилди. Ушбу таянч пунктлари ва жамиятларни бирлаштириб турувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмалари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг таъсис конференциялари бўлиб ўтди. Савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш тизими, тиббиёт каби тармоқларнинг кейинги йилларда жадал ривожланиши асосида айрим ҳолларда сифатсиз хизмат кўрсатиш, инсон соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар савдосининг пайдо бўлиши кузатилди. Бу эса жойларда истеъмолчи ҳуқуқларини қатъий ҳимоя этишни, истеъмол маданиятини кескин оширишни талаб қилади.

Конференцияда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Зуҳра Сайдаминованинг ҳисоботи тингланди.

Федерация томонидан аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йил мобайнида истеъмолчиларнинг қарийб юз миллион сўмлик маблағини қайтариб олишига кўмаклашилди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспертиза департаменти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат ишлари кучайтирилди. Аммо, соҳада ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва ҳал этилишини кутаётган муаммолар кам эмас.

Конференцияда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланди.

(ЎзА).

***Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган анъанавий «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови якунланди.***

## 2002 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўқитувчи иштирок этди.

- Бу йилги кўрик-танловнинг моҳияти, мазмуни, ўтказилиш тартиби аввалгиларига қараганда анча бошқача бўлди,- дейди Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси, ташкилий қўмита аъзоси Турсуной Абдуллаева. - Танлов шартлари қаторига ўқитишнинг замонавий технологияси ва компьютер сабоқлари юзасидан ҳам саволлар киритилди. Янги талаблар ўқитувчиларимизнинг умумий савияси қай даражада ошиб бораётгани, замонавий талабларга қанчалик мослигини аниқлаш имконини берди.

Танлов якунига кўра Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 121-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ирода Ҳамидова 2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси, деб топилди.

## ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИГА ШАЙ

Андижондаги «Андижон-Оренбург» қўшма корхонаси «Дамас» ва «Тико» русумидаги 22 дона автомашина харидиди учун 150 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди.

Эндиликда йўловчилар ташийдиган машиналар 50 донага, хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 80 нафарга етказилди.

Микроавтобус ва енгил машиналар тендер асосида «Андижон автотеххизмат» акциядорлик жамиятидан сотиб олинди. Шаҳарда транспорт хизмати сезиларли равишда яхшиланди.

**«Туркистон-пресс».**

## ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА

Фелъетон

***Сирдарё вилоятида нега бурилиш бўлмаяпти? Бу сўроқ кўпдан буён жавобсиз, муаллақ қолаётганди. Вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аҳвол атрофлича муҳокама қилинди. Ҳоким ўзгарди...***

Янги раҳбар пароканда иқтисодиётни тиклашга қатъий киришди. Аввал савдо, маиший хизмат ва бозорлар фаолияти тартибга олинди. Қишлоқ хўжалигидаги сансалорлик илдизи билан суғуриб олинаяпти. Таъбир жоиз бўлса, дўпписи тор келиб қолганлар ҳам анча.

Оёғи бир этикка тиқилганлардан бири Мирзаобод машина-трактор парки раҳбарлари бўлди. Отхонага айланган маъмурий бино, бузиб ташиб кетилган устахоналарни энди эпақага келтириш мумкинмикан? Бу туман ҳокимлигини ташвишга солди. Ҳоким Абдумавлон Ибодуллаев дарров ташкилот раҳбарларини ҳузурига чорлади. Вазифа битта: қандай бўлмасин маъмурий идора хоналарини таъмирлаш. Мажлисдан кўп қатори туман Маданият ишлар бўлими мудири Обиджон Ҳамидов ҳам хомуш тортиб чиқди. Унга ҳам бир хонани таъмирлаб, «катта» келиб-кетгунча битта кутубхонани МТПга кўчириб туриш юкланганди.

Бу ғайри қонуний топшириқ оддий кутубхоначилар чекига тушди. Ахир этагини тортса тиззасига етмайдиган ташкилот бўлса! Лекин мудир не қилсин? Кутубхона ходимлари Дилфуза Улашева ҳамда Зулфия Абдусаломовалар мудир бошчилигида хонани тозалашди. Эшикка бўёқ суртилди. Деворлар оқланди. Аммо кимларнингдир ўйиб ёзилган номлари, алмойи-алжойи сўзларни ўнглашнинг иложи бўлмади. Бу ҳол таъмирга мутасадди қилиб белгиланган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Райим Анорбоев, ҳоким ўринбосари Умматқул Маллаевга сира ёқмади. Улар тегирмон тошини Обиджон Ҳамидов бошида юргаза бошлашди. МТП хонаси қачон таъмирдан чиқади, калланг билан жавоб берасан, қабилидаги дўқпўписалар маданият мутасаддиси асабларини қақшатди. Саломатлиги бузилишига олиб келди.

Аслида аравасини зўрға тортаётган ташкилот ҳомийликка қодир эдими?

– Марказий кутубхонамиз иситилмасди. Қишда совуқда тиришиб ишлардик. Бир қатор ходимлар саломатлигини йўқотиб, ишдан бўшаб кетди, - дейди кутубхона услубчиси Рисхол Умарова. – Охири жамоа билан келишиб, ёнимиздан пул йиғиб иситиш тармоқларини ишга туширдик. Ўн кундан буён ҳузур-ҳаловатда ишлаяпмиз. Аммо туман ҳокимлигининг бир кунга бутун бошли кутубхонани кўчириб келиш тўғрисидаги топшириғи бизни ҳайратга солди. МТПда кўчма кутубхона ташкил этганмиз. 50-60 чоғли ишловчиларга шу кифоя эмасмикан? Қолаверса, у ер иситилмайди. Совуқ. Шароит йўқ.

Туман машина-трактор паркига йўл оламиз. Маъмурий бинода тер тўкиб ишлаётган туман уй-жой коммунал хўжалиги, туман ижтимоий таъминот бўлими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, Мирзаобод автойўл бирлашмаси, қисқаси, ўндан зиёд ташкилот ходимларига кўзимиз тушди. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Р.Анорбоев, ўринбосар У.Маллаевлар билан учрашдик. Улар жўр овозда МТПга кутубхона бир кунга, «катта» келиб-кетгунча кераклигини айтишганда ҳайратдан оғзимиз ланг очилди. Бир тасаввур қилинг-а, юк машинасига ортилган 5 минг нусхадаги китоблар (кутубхоначиси билан) олиб келинса-ю, эртасига изига қайтса?! Бу кўзбўямачилик кимга керак?! Нима бўлганда ҳам вилоят раҳбарлари бир неча кун сабр қилиб турсин. Акс ҳолда Мирзаобод «катталари» уялиб қолишади. Ахир кутубхоначилар бинони таъмирлаб, кутубхонани кўчириб келиш иложини қилолганларича йўқда! Декабр ойи маоши қўлга теккан кун таъмирни бошлаймиз, дейишди улар.

Бир пайтлари МТПда кутубхона бор эди. Аммо уни «қувиб» чиқаришганди. Мактабдан паноҳ топди. 50-60 нафар ишчиси бор ташкилотга кўчма кутубхона кифоялигини англаб етиш мушкул ҳам эмас. У фаолият кўрсатаяпти ҳам. МТПдек бақувват ташкилот таъмирда кутубхонадан ёрдам сўраши уят эмасми? Идорани таъмирлашнинг бошқа йўли йўқмиди? Бор бўлгандаки... Ғалла ўриш комбайнлари ўрим-йиғимдан сўнг қарийб бир ой мобайнида аҳоли томорқасида етиштирилган ҳамда режани ошириб бажарган фермерларга тегишли ғаллани ўриб-янчди. Нақд пулга ишлади. Бу ҳеч кимга сир эмас. Ана шундан келган маблағга бир эмас, бир қанча бинони таъмирласа бўлади-ку!

Гапнинг қисқаси, Мирзаободда ҳақли сўроққа жавоб беришда дўппи тор келгани билиниб қолди. Ҳар ҳолда туман раҳбарлари қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қабилида иш тутишмоқда. Нима бўлсада кутубхоначилар жонига тўзим берсин. Яна қайси манзилга китоб орқалашаркин улар...

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Шарҳловчи минбари*

## ИРОҚ: ТУРКИЯ ТАШАББУСИ

БМТнинг Ироқ бўйича комиссияси расмий Бағдод оммавий қирғин қуролига эгами-йўқми, деган саволга жавоб қидириш билан банд бир пайтда, АҚШ Форс кўрфази минтақасидаги қўшинлари сонини кўпайтиришда давом этмоқда. Кузатувчилар, воқеалар шу зайлда ривожланса, АҚШнинг Ироққа қарши уруш очиши муқаррар, деган ташвишли фикрни билдираётир.

Ҳозирча БМТ комиссияси Ироқнинг ядровий дастури билан боғлиқ масалага узил-кесил нуқта қўйгани йўқ. Хавфсизлик кенгаши Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатиш борасида резолюция қабул қилмаган. Шунга қарамай, минтақадаги вазият халқаро ҳамжамиятни тобора қаттиқ хавотирга солаётир. Муаммони тинч йўл билан ҳал этиш учун эса, айтиш жоизки, биринчи навбатда минтақа давлатлари фаол ҳаракат қилмоқда.

Аксарият араб давлатлари Ироққа қарши уруш бошланадиган бўлса, нафақат унинг аҳолиси, балки бутун минтақа халқи учун чинакам фожеа рўй беришини башорат қилмоқда. Шунданми, Яқин Шарқда урушнинг олдини олиш учун Ироқ президенти Саддам Ҳусайн истеъфо бериши керак, деган фикрлар қулоққа тобора кўпроқ чалинмоқда.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, бундан аввалроқ Саудия Арабистони подшоҳлигининг махсус вакили Ироққа сафар уюштирганди. Сафар чоғида Саддам Ҳусайнга ушбу таклиф айтилган. Яъни, Ироқ президенти истеъфо берса, унга учинчи бир давлатдан бошпана берилади, шунингдек, у ҳарбий жиноятчи сифатида таъқиб қилинмайди. Бу, Саудия томонининг фикрича, минтақада уруш учқуни аланга олишига йўл қўймасликнинг ягона йўлидир.

Саудиялик махсус вакил билан боғлиқ ушбу хабарлар ҳақиқатми-йўқми, бирор гап айтиш мушкул. Бироқ яқинда РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси бундай фикрлар кейинги пайтда Туркия ҳукумати раҳбарияти томонидан ҳам илгари сурилаётгани ҳақида хабар тарқатди. Ироқнинг қўшниси, АҚШнинг яқин ҳамкорларидан бири ҳисобланган Туркия урушнинг олдини олиш учун дипломатик чоралар ҳали мавжудлигига ишонмоқда.

Куни кеча расмий Анқара Яқин Шарқнинг беш мамлакати давлат раҳбарларига 23 январда Анқарада учрашишни таклиф этди. Учрашувда Сурия, Эрон, Миср, Саудия Арабистони ва Иордания давлат раҳбарлари Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини атрофлича муҳокама этиши керак.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Тажриба, ташаббус*

# ОДАМЛАР УЧУН ЯШАШ — БАХТ!

***Металлургия ва машинасозлик касаба уюшмалари кенгаши ходимларини идорада учратиш мушкул. Улар кўпинча хизмат сафарида бўлишади. Бироқ душанба куни ҳамма иш жойида бўлади. Сабаб, топшириқлар якунланиши, янги вазифалар белгиланиши лозим. Ижро интизоми шуни тақозо этади. Кенгаш раиси Баҳромжон Қурбоновдан бошлаб ходимларгача шундай тартибга одатланишган.***

Бугун ҳам иш ҳафталик юмушларни таҳлил қилишдан бошланди. Ташкилий ишлар бўлими мудири Шуҳратжон Мамажонов навбатдаги раёсат йиғилишига ҳозирлик, ижтимоий суғурта бўлими йўриқчиси Гулмирахон Холдорова бадалларнинг ундирилиши, бош муҳандис Абдураҳмонжон Сайназаров тармоқ корхоналарида технология жараёнлари аҳволи ҳақида ахборот бердилар. Йиғин сўнгида раиснинг чеҳраси ёришди. Гарчанд у табиатан ўта талабчан бўлса-да, кўнгилга таскин берадиган хабарлардан қониқиш ҳосил қилганини яшириб ўтирмади. Лекин барибир ижро интизоми бўшлиги, хусусан Андижон механика корхонасида аҳвол кўнгилдагидек эмаслиги юзасидан ўз фикрларини айтмай ўтолмади. Негаки Пленумда ҳам шу ҳақда аччиқ гаплар бўлганди. Жамоада жўяли эътирозлар ҳеч қачон ерда қолмайди. Ҳамма шунга кўниккан. Эртасигаёқ «Ўзметаллмашсаноат» Марказий Қўмитасининг водий бўйича етакчи мутахассиси Валерий Райхол корхонага қараб йўл олди. Тафтиш металл маҳсулотлари йиғув цехидан бошланди. Мана, ёнгинасидан чиқиндилар юкланган электр аравача ғизиллаганича ўтиб кетди. Қудратли пресс дастгоҳлари гуруллаб ишлаб турибди. Уларнинг зарбидан цех деразалари зириллайди. Юқори ҳароратли улкан печларда аланга ловуллайди. Металл ғўлалари симобдай эриб оловли из қолдирганича сувдек оқмоқда.

Валерий Львович дастгоҳларнинг бири олдида тўхтаб қолди. Ҳаракатни автоматик бошқарувчиси сенсор ускуна ишламай турарди. Бу ишчилар ҳаёти учун хавфли бўлиб, кўнгилсиз ҳодисаларга сабабчи бўлиши мумкин эди. Ҳамроҳи касабақўм раиси Толибжон Аҳмедов қусурлардан хижолат тортиб ерга қаради. Пайвандлаш цехидаги аҳвол ҳам етакчи мутахассисни қониқтирмади. Ҳавони тозалаб турувчи вентиляция ускуналари носозликдан бекор турарди.

Меҳнат муҳофазасидаги нуқсонлар директор Фозилжон Солиев хонасида атрофлича муҳокама қилинди. Қонунчилик талабларининг бузилаётганлиги, меҳнат муҳофазасига жавобгар вакилларнинг сусткашлиги, касабақўмнинг бу борадаги муросасозлиги тўғрисида бироз қизишиб ҳам олдилар.

Корхонага ташрифлар изсиз қолмади. Ишчиларнинг хавфсиз меҳнатини кафолатловчи чора-тадбирлар белгиланди. Металларга кимёвий ишлов берувчи гальваника цехидаги ванналар алмаштирилди. Меҳнат муҳофазаси вакилларининг малакасини ошириш учун ўқишлар ташкил қилинди.

Бу тармоқ кенгашининг кундалик ҳаётидан бир лавҳа, холос. Соҳа касаба уюшмаси Андижон касаба уюшмалари Кенгашининг қон томиридан бири бўлиб, 7та саноат корхонасига мутасаддилик қилади. Ўз сафларига 12 минг аъзони жипслаштирган 33та бошланғич ташкилот ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини жамоа шартномаларига таянган ҳолда қатъиян ҳимоя қилмоқда. Жамоа шартномаларининг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши эса унинг таъсирчанлигини янада оширмоқда. Раис Баҳромжон Қурбоновнинг фикрига эътибор қилинг-а:

— Бу тадбирга кенгаш доимо юксак талабчанлик билан ёндошмоқда. Амалдаги муддати ўтган 30та жамоа шартномаларини янгилаш масаласи кенгашда кўрилаётганда касабақўм раисларининг обдон «пешонаси терлади». Натижаси барибир ёмон бўлмади. Лойиҳаларга фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган 275та тузатиш ва қўшимчалар киритилди.

ЎзКУФКнинг Ҳаракат дастурида янги иш ўринлари яратишда касаба уюшмалари давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиши зарурлиги кўрсатилган. Кенгашнинг бу борадаги фаолияти эътиборга молик. Хонобод шаҳридаги «Андижонкабел» ҳиссадорлик жамияти хомашё танқислиги, эскирган технология туфайли молиявий танг аҳволда қолганди. Энг ёмони, 200 нафар ишчи мажбурий меҳнат таътилига чиқарилди. Масала тармоқ ва вилоят Кенгашлари раёсат мажлисларида, шаҳар ҳокимлигида таҳлил қилинди.

Муаммога вилоят ҳокимлиги аралашгач, ишлар юришиб кетди. Ҳамкорлар билан алоқа боғланди. Зудлик билан ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашда жонбозлик кўрсатилди. Шу тариқа Фозилмон қишлоғида «Россия—Ўзбекистон» қўшма корхонаси иш бошлади. 900 нафар хонободлик йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Хорижий сармоя шарофати туфайли қишлоққа файз-барака кирди. Корхона замонавий ускуна, техника-технология билан янгиланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва маош кўпайди. Иш ҳақи 20 минг сўмдан 29 минг сўмга ошди. Кабел маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Ноқонуний ишдан бўшатиш, ойлик маошдан қарздорлик, меҳнат ҳуқуқларини бузиш, ижро интизомини менсимаслик каби Меҳнат Кодекси талабларига зид хатти-ҳаракатларга тармоқ Кенгаши учун ҳамиша фавқулодда ҳодиса сифатида қаралади.

«Андижонмашинасозлик» лицейи ходимаси Манзурахон Ҳасанованинг штат қисқарди баҳонасида ишсиз қолганлиги тармоқнинг эътиборини тортди. Ҳуқуқий ёрдам гуруҳи фуқаронинг ижтимоий манфаатлари чекланганлигини аниқлаб, уни ўз ишига тиклади. «Тожметалл» корхонасида юк кўтариш механизмлари ўз вақтида техника қаровидан ўтказилмаётганлиги, бу ишлаб чиқаришда бахтсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлиги Кенгашни ташвишга солди. Корхона ҳамда кенгаш мутахассислари иштирокида ташкилий-техникавий муҳандислик тадбирлари амалга оширилди. Марҳамат туманидаги электротехника корхонасида тармоқ ёрдамида цехлар ҳимоя воситалари билан жиҳозланди. Зарарли шароитларда меҳнат қилаётган ишчиларга махсус кийим-бош тарқатилди.

Энг қувончлиси, иш ҳақидан қарздорлик йилсайин камайиб бормоқда. 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига маошдан қарздорлик 48 миллион 650 минг сўмдан 2002 йилнинг шу муддатига 25 миллион 33615 сўмга, декабр ойига эса 6 миллион 300 минг сўмга камайди. Иш ҳақининг ортиши ижтимоий ҳимоянинг кўзгуси ҳисобланади. 2002 йил биринчи чорагида ўртача маош 29818 сўм, учинчи чоракда эса 36448 сўмга етди. Муҳими, бу жараён давом этмоқда.

Спорт-соғломлаштириш, ишчиларни дам олдириш соҳасидаги юмушлар ҳам диққатга сазовор. Тармоқ меҳнатчиларига сиҳатгоҳларга ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан йўлланмалар ажратишга эътибор йил сайин кучаймоқда.

Дарвоқе, одамлар учун яшашдан кўра улуғ иш борми?!

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*2003 йил — Обод маҳалла йили*

# АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА

***Ғиёсиддин ака уйдан шошилиб чиқди. Ахир маҳалладошининг бошига оғир ташвиш тушганда тинч ўтира оладими!***

***Воқеа бундай бўлган эди. Собир Раҳимов тумани «Тешикқопқоқ» – «Мевазор» маҳалласидаги Очил Бобожонов кўчасида истиқомат қилувчи Боқи ака Қодировнинг уйи буткул ёниб кетди. Хонадон эгаси ҳатто энг кичик ўғлини уйлантириш учун йиғиб қўйган сарполарни ҳам ҳовлига олиб чиқишга улгуришмади. Оқсоқол шуларни ўйлаб, маҳалла идорасига етиб келганида маслаҳатчилари – Яшин ака Тожиев, Абдураҳмон ота Абдуқодировлар уни кутиб туришарди.***

Тезда гапни бир жойга қўйишди. Имконият даражасида саховатпеша маҳалладошлардан маблағ йиғиладиган бўлди. Шунингдек, туман ҳокимиятининг масъул ходимларига ҳам хабар етказилди. Қўли очиқ инсонлар бор бўлсин, хаш-паш дегунча 200 минг сўм тўпланди. Туман ҳокимияти томонидан уйсиз қолганларга вақтинча яшаб туришлари учун бошпана ажратилди. Уй-жойни қайтадан тиклаб олган Қодировлар маҳалла аҳли ва фаолларидан бир умрга миннатдор бўлиб яшашмоқда.

Айни пайтда маҳалла ҳудудида турли миллат вакилларидан иборат 4000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Тўй-ҳашам ёки маросим деганларидек... Ҳар ҳолда оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларига тинчлик йўқ. Айниқса, тўй-маъракаларни ўтказиш комиссиясининг раиси, оқсоқол Ғиёсиддин ака Азимов, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Зулайҳо Аҳмедовалар бош қўшган ҳар қандай тадбир рисоладагидек ўтиши аниқ.

Мана шундай тўй-ҳашамларда давранинг тўри отахону онахонларники. Маҳаллада юз ёшни қоралаб қолган Анормат ота Давлатов, Тўйжон ая Аҳмедовалар дуога қўл очишганда даврага янада файз киради.

Кейинги пайтда маҳаллада тўйларни ҳамда турли маросимларни иложи борича ихчамроқ қилиб ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Ахир ортиқча харажату исрофгарчилик кимга керак? Ундан кўра одамларнинг бошини қўшадиган ишларга зўр берган дуруст эмасми? Буни маҳалла фаоллари аллақачон тушуниб етишган. Бултур Наврўз байрамида «Шаршара» ресторанида бир гуруҳ уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари учун бир пиёла чой ташкил этилганини ҳанузгача қариялар эслаб юришади. Шунингдек, маҳалла кексалари Самарқанддаги Ал Бухорий зиёратгоҳини тавоф қилиб қайтишди.

Кам таъминланган ёлғиз қариялар маҳалла оқсоқолининг доимий диққат марказида. Муборак ҳайит кунларида 27 нафар отахонга 10 минг сўмдан моддий ёрдам уюштирилди. 40 та оилага 1 тонна ун бепул тарқатилди. Бундай пайтларда қўли очиқ, халқпарвар одамлар ҳамиша топилади. «Тожмаҳал» шахсий кафесининг эгаси Муҳаббатхон Муҳамедова ҳам шундай саховат эгаларидан.



Бу ерда яна бир яхши удум бор. Кимдир хайрли бир ташаббус билан чиқса, дарров қўллаб-қувватланади. Масалан, бир неча йил олдин дорихона очилганди. Ҳозирда бу ерда дори-дармон маҳалладошлар учун имтиёзли нархларда сотилмоқда. «Адвокатлар уйи» ҳам шу таҳлитда ташкил топди. Унда юристлар маҳалла аҳли учун бепул хизмат кўрсатишмоқда. Мева-сабзавот дўкони, сартарошхона, новвойхона ҳам шу тарзда фаолият кўрсатмоқда. Яқин келажакда маҳаллада тиббиёт хонаси очиш режалаштириляпти. Маълум бўлишича, маҳалланинг ўз кардеологи ҳам бор экан.

Аҳиллик бор жойда барака бўлади. Буни маҳалла оқсоқоли Ғиёсиддин Азимов ва унинг маслаҳатчилари яхши тушунишади. Шу боисданми, маҳаллада ўтган йили биронта оилавий ажралиш содир бўлмади. Ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари юқори савияда ташкил этилганлиги ўз самарасини бермоқда. Бу борада маҳалла ҳудудидаги 119-мактаб педагогик жамоаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Аҳоли билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг тез-тез учрашувлари ўтказиляпти. Спорт ёшларнинг жону дили. Ўтган йилги маҳаллалар ўртасида ўтказилган футбол бўйича шаҳар биринчилигида фахрли 2-ўрин эгаллангани ҳам бежиз эмас.

– Қуш уясида кўрганини қилади, - дейди маслаҳатчи Абдураҳмон ота Абдуқодиров. – Маҳалламизда гиёҳвандликка берилган биронта ёш йўқ. Бу масканда бир болага етти қўшни ота-она, нақлига қатъий амал қилинади. Умуман осойишталик, ҳамкору ҳамжиҳатликни таъминлашда ажойиб фарзандлар тарбиялаётган табаррук инсонлар, маҳалла жонкуярлари бўлмиш Яҳёназар ота Иброҳимов, Мираббос ота Мирсаидов, Аҳмад ака Турдиев, Абдураҳмон ота Абдуқодиров, Абдувоҳид ака Зафаровларнинг муносиб ҳиссаси бор.

«Мевазор» маҳалла фаолларининг бундан буёнги иш режалари кенг қамровли.

– 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши бизга катта масъулият юклайди, - дейди маҳалла ободонлаштириш комиссиясининг раиси Ҳамидилла ака Қосимов. – Шу йил биз маҳалламиз ҳудудидан ўтган Очил Бобожонов номли кўча ўртасидаги эни 5 метрлик жойга гул ва дарахт кўчатлари экиб, кўкаламзорлаштирамиз. Ҳар бир хонадон ҳовлиси ҳамда эшик олдилари гулга бурканади.

Оқсоқолнинг айтишича, бу йил Қичқириқ каналининг бўйида маҳалла аҳли дам оладиган оромгоҳ барпо этилади.

Иноқ ва серфайз маҳалла ишлари билан танишиб қайтар эканмиз, кўпчилик бир ёқадан бош чиқарса, амалга ошириб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқлигига имон келтирдик.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Жиззах вилояти ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси қошида «Жиззахиномаркази» иш бошлади. Марказ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига хорижий харидорлар топиш, уларни экспорт қилиш, хориж технологияси ва инвестиция маблағларини жалб этишда тадбиркорларга ёрдам беради.

Бундан ташқари ушбу марказ қошида ташкил этилган интеллектуал ривожланиш ва малака ошириш тўгараги - «Бизнес-дунё» тадбиркорларга консалтинг хизмати кўрсатади.

**(ЎзА).**

# ОТБнинг ЯНГИ КРЕДИТЛАРИ

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 2003-2005 йилларда Ўзбекистонга жами бўлиб 480 миллион доллар кредит беришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда "Туркистон-пресс"га ОТБнинг Тошкентдаги ваколатхонасидан маълум қилишди.

Олинган маълумотларга кўра, ҳозирда банк эътиборида жами қиймати 809 миллион бўлган 11 та лойиҳа турибди. Республикага кредит бериш дастурига мувофиқ банк маблағлари қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларидаислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, транспорт инфратузилмаси, коммунал хўжалигини, энергетика, сув заҳиралари ҳамда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга йўналтирилади.

Банк кредитлаштиришнинг жами қисмидан 2003 йилда 150 миллион долларлик 5 та, 2004 йилда 140 миллион долларлик 3 та, 2005 йилда эса 190 миллион долларлик 5 та кредитни ажратишни мўлжалламоқда.

Хусусан, 2003 йилда ОТБ мамлакатимиз жанубидаги «Аму-Занг» каналини замонавийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш учун 50 миллион доллар ажратади.

Шунингдек, банк жорий йилда Ўзбекистонда болалар соғлигини сақлаш лойиҳасини рўёбга чиқариш учун 40 миллион доллар, кичик ва ўрта бизнесини қўллаб-қувватлаш учун 40 миллион доллар ҳажмидаги учинчи кредит беришни мўлжалламоқда.

Ўтган йили ОТБ Ўзбекистон учун 2003-2005 йилларда молиявий ҳамкорлик стратегиясини тасдиқлади. Унга кўра, Ўзбекистонга йилига ўртача 150 миллион доллар кредит ажратилади.

Ўзбекистон 1995 йилда ОТБга аъзо бўлган. Бу вақт мобайнида банк республикага 695,5 миллион доллар кредит ва таълим, қишлоқ хўжалиги, транспорт коммуникацияларини замонавийлаштиришга қаратилган 13 лойиҳа бўйича 21 миллион доллар грант ажратди.

**"Туркистон-пресс".**

## «ШАРҚ» ОДИМИ

Томди туманидаги «Шарқ» савдо фирмаси иш бошлаганига беш йил бўлди. Уни тадбиркор Шомил Жуматоев очган эди.

Томди - қоракўлчиликка ихтисослашган туман. Зооветеринария институтини тамомлаган Шомил соҳани яхши билади. Шу боис ҳам қоракўлчилик хўжаликларида етиштирилаётган жун ва териларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Туман марказидаги бўшаб қолган йирик савдо дўконида иш бошлаган корхонада кўп ўтмасдан бемалол жаҳон бозорига чиқарса арзигулик манто, жакет, пальто, свитер каби кийим-кечаклар тикилиб, савдога чиқарила бошланди. Дастлабки йили корхона салкам бир ярим миллион сўмлик соф фойда олди. Бугунги кунда «Шарқ»нинг маҳсулотлари мамлакатимиз ички бозоридан ташқари, Қозоғистон ва Россия давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Савдо фирмаси ўтган йили қоракўл тери ва жун маҳсутларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сотиш эвазига беш миллион сўм соф фойда олди.

Айни пайтда бу ерда элликдан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

## ТАДБИРКОРГА ҚУЛАЙЛИК

Қонликўл туманида 500 дан ортиқ юридик шахс кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида туман марказидаги «Дўстлик» гузарида мини-банк иш бошлади.

- Банк тадбиркорлар, фермер хўжаликлари учун янада қулайлик туғдириш мақсадида ташкил этилди, - дейди мини-банк бошқарувчиси Бозоргул Арипова. - Иш бошлаган кунимиз 30 дан ортиқ юридик шахс ўз ҳисоб рақамларини очди.

# СУДЬЯЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

***Бухорода инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мустақил суд тизимининг ўрни мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Америка юристлар ассоциацияси, Тошкент Давлат юридик институти, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлар гуруҳи ҳамкорликда ташкил қилган конференцияда Бухоро ва Навоий вилоятларида фаолият кўрсатаётган жиноий ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судьялар қатнашди.***

Конференцияда инсон ҳуқуқларининг кафолати, халқаро ҳуқуқ манбалари ва миллий қонунчилик ривожи, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, адолатли суд, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари, одил судловни қарор топтириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни хусусида сўз борди.

Судьялар кичик гуруҳларга бўлиниб фикр алмашди. Кўтарилган мавзу юзасидан қизғин баҳслар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Конференция якунида судьяларга халқаро сертификатлар топширилди.

**(ЎзА).**

*Истеъмолчи манфаати муқаддас*

# СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ КИМГА КЕРАК?

***Истеъмолчини сифатли маҳсулот билан таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмидир. Бу борада Наманган вилояти стандартлаш ва метрология бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Улар савдо шохобчаларида сотилаётган озиқ-овқат ва саноат молларини меъёрий талаблар асосида бўлишини таъминлаш бўйича бир мунча ишлар қилишди.***

Вилоятдаги 21 та савдо корхоналари ва хусусий тадбиркорларга қарашли савдо дўконларида назорат-харид тадбирлари ўтказилганда, анчагина салбий ҳолатлар кўзга ташланиб қолди.

Масалан, Наманган шаҳар озиқ-овқат савдоси жамоасига қарашли 3-дўкондан харид қилиб олинган 4 хил турдаги маҳсулот сифати талабга жавоб бермади. Косонсой агрофирмасига қарашли 1-дўкондан сотиб олинган олма шарбати, макарон, маккажўхори қаламчалари истеъмолга яроқсиз бўлиб чиқди. Уйчи туманидаги «Зулфия», «Муродбек» хусусий фирмаларига қарашли шохобчалар хусусида ҳам шундай фикр-мулоҳазани билдириш мумкин.

Айрим тадбиркорлар фойда кетидан қувиб, маҳсулот сифати билан мутлақо қизиқмайдилар. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини танлашаётганларида эҳтиёткорликни унутадилар. Масалан, Учқўрғон божхона масканида хусусий тадбиркор Нодир Асқаров томонидан Андижон вилоятидан келтирилаётган 10 тонна ош тузидан намуна олиб текширилганда, йод йўқлиги, сувда эримайдиган чўкмалар ва бегона аралашмалар мавжудлиги аниқланди. Таҳлил натижалари Учқўрғон прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментига ҳавола этилди. Маҳсулот эса техник эҳтиёжларга ишлатиш учун шаҳар коммунал хўжалигига топширилди.

Ушбу тумандаги «Мева» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси маҳсулоти текшириб кўрилганда 3047 литр пиво маҳсулоти стандарт талабларига жавоб бермади.

Айрим корхона ва ташкилотлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот сифатини текшириш бўйича бошқармага мурожаат қилишади. Хусусан, «Марвел Джу Ко» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси маъмурияти ана шундай илтимос билан юқоридаги ташкилотга чиқди. Шакардан намуна олиб ўрганилганда, стандарт талабларига мос келмади. Маҳсулот қайта ишлаш учун тавсия этилди. Табиийки, юқорида тилга олинган сифатсиз, киши саломатлигига зиён келтирадиган маҳсулотлар сотувдан олиб ташланди ва айбдорларга нисбатан тегишли моддий жавобгарлик чоралари кўрилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Уч авлод учрашуви*

# ДАВРА ФАЙЗГА ТЎЛДИ

***Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан «Уч авлод учрашуви» тадбири ўтказилди.***

***Унда кўп йиллар тармоқда меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган соҳа фахрийлари, устозлар, соғлиқни сақлаш тизими фидойилари, халқ саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилган тиббиёт ходимлари, олимлар, касаба уюшма қўмитаси фаоллари билан бирга ёш мутахассислар ҳамда талабалар ҳам иштирок этдилар.***

— Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан бирга азиз инсонлар — кўп йил меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган устозларни улуғлаш, уларнинг ҳолларидан хабар олиб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамиша диққат марказимиздадир, - деди уларга ҳурмат ва эҳтиром билдириб соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Озодахон Муҳиддинова. — Чунки бундай инсонлар кўнглини обод қилиш фарзандларимиз учун ҳам ибратли иш бўлиб, уларнинг маънавий дунёларини бойитади, инсонларга, она Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтиради.

Шу боис касаба уюшмалари айни кунларда корхона ва ташкилотларда тузилаётган жамоа шартномаларида ишлаётган ва ишламаётган пенсионерлар учун ҳам қулайлик ва имтиёзлар киритиш, турли байрамлар, айёмлар арафасида моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Куй ва қўшиқларга бой бўлган тантанали тадбирда устозларни талабалар ҳам табрикладилар.

— Бу каби тадбирлар ёшларимиз тарбияси учун катта мактабдир, - деди Тошкент Педиатрия тиббиёт институти профессори Наима Маҳмудова. — Ишонаманки, бағри кенг халқ бўлганлигимиз боис ҳам юртимиздан ҳеч қачон кут-барака аримайди. Бугунги талабалар ҳам келгусида ўз соҳаларининг билимдон жонкуяри бўлиб етишишларига шубҳа йўқ. Чунки бунинг учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилган.

«Уч авлод учрашуви»да Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари Соғлиқни сақлаш Бош бошқармалари вакиллари қатнашиб, энг самимий тилакларини билдирдилар.

**М. ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби.**

# ТИЛ БИЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Андижон вилоятининг Бўз туманидаги 26-мактаб-интернатнинг ўнлаб ўқувчилари Жанубий Кореяда бўлишни орзу қилмоқда. Бунинг учун улар корейс тилини қунт билан ўрганмоқда.

Машғулотларни Андижонга Жанубий Кореянинг Коика хайрия жамғармаси йўналиши бўйича таклиф этилган ўқитувчи Сон Ен Чсун олиб бормоқда. Ихтисослаштирилган мактабда бошқа фанлар ҳам пухта ўқитилади.

- Коика жамғармаси билан алоқа ўрнатишга Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси яқиндан ёрдам берди, - дейди мактаб-интернат директори Галина Цой. - Энг яхши ўқувчиларимиз Кореяга бориш имкониятига эга. Чет тилни билиш мактаб ўқувчиларига келгусида вилоятдаги Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналарида самарали меҳнат қилишга ёрдам беради.

**(ЎзА).**

# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



*Фахрийлар ижодидан*

## ОЗОД ЮРТДА ҚАДЛАР ТИК

*Озод юртда қадлар тик, эгик бошлар йўқ энди,*
*Сабаби зўравонлик, бағри тошлар йўқ энди.*
*Ҳар ким севган касбини қилур, турмуш фаровон,*
*Хурсандмиз, юракларда алам, ғашлар йўқ энди.*
*Дунёга йўл очилиб, йўллар йўлга туташди,*
*Севинч ёшларимиз кўп, ғамли ёшлар йўқ энди.*
*Хавф-хатар, ваҳимага сабаб йўқ, шодондирмиз,*
*Тўра, бир вақт заҳарли бўлган ошлар йўқ энди.*

## КИМ СЕВСА ДИЁРИНИ

*Яхши ва ёмонлар бор, бир-бир кўрдим барини,*
*Териб олдим қолдирмай пешонамда борини.*
*Кимлар ақл ишлатиб, ҳалол умр кечирди,*
*Кимлар нафси йўлида сотди номус-орини.*
*Иймони бор кишида турмуш бўлди гул каби,*
*Иймонсиз чоҳга тушди алдаб дўсту ёрини.*
*Ким кўзини лўқ қилса, чўқигай қузғун, Тўра,*
*Даврон сурди нуқсонсиз ким севса диёрини.*

**Тўра ЖУМАН.**

## ГАЗЕТА: МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Тошкентда газета менежменти ва маркетингига бағишланган семинар-тренинг бошланди. Мазкур ўқув машғулоти Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ва Ўзбекистон Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган.

18 январгача давом этадиган ўқув машғулотларида хорижий ва маҳаллий матбуот тажрибаси, бозор иқтисодиёти шароитида матбуот, босма оммавий ахборот воситалари рейтинги, матбуотда реклама каби мавзуларда баҳс ва мунозара юритилади. Хорижий мутахассислар ўз мамлакатидаги матбуот фаолияти тўғрисида маърузалар қилади. Газета тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади.

# СЕВГИ ҚУРБОНИ

*ҲАЖВИЯ*

Бировга айтсанг ишонмайдиган иш бўлди-да. «Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўшалоқ келади», деганлари тўғри экан. Мана, бир йўла ҳам муҳаббатимдан, ҳам бир жуфт садафдек тишимдан айрилиб ўтирибман.

Китоб ўқишга берилиб кетган эканман, тақиллаган товушни зўрға эшитдим. Остонадан ҳассасини менга ўқталиб бувим турарди.

–Ўв, бола, ўн беш йил ўқидинг, етмайдими, институтни битириб келдинг. Мунча ётиб олиб ўқимасанг, яна имтиҳон топширасанми?

–Олим бўлсанг олам сеники, дейишган машойихлар, бувижон,— дедим гапни ҳазилга буриб.

Бувим кўрпачага келиб ўтириб ҳар доимгидай дийдиёсини бошлади.

— Шу пайтгача ақалли битта қизнинг кўнглини ололганинг йўқ-ку, оламни олиш йўл бўлсин сенга, ландовур. Маҳалланинг мағриб томонида битта қиз бор, дединг, алдадинг. Машриқ томонида бир қиз бор, дединг, алдадинг...— Бувимнинг кўзлари ёшланди. Орага жимлик чўкди. Бувим рўмолини учи билан кўзларини артиб давом этди: — У қиз ёқмади, бу қиз ёқмади, дейсан, ойна олиб бир ўзингга қарачи, кериладиган ҳусни — жамолинг бормикан!

Буёғига чидаб туролмадим.

— Тўғрисини айтсам, яхши кўрганим бор. Бу сафар алдаганим йўқ. Тўйга ҳозирлик кўраверинг.

Жуда жиддий туриб айтганим таъсир қилдими, ишқилиб, бувимнинг чиройи очилди. Бўлган гапни даҳлизда эшитиб турган келинойим уйни йиғиштириш баҳонасида мендан қизнинг кимлигини билмоқчи бўлиб, гапга солди.

— Мабода бўлғуси келинимиз янги келган тиш дўхтири эмасми?

Ноқулай аҳволдан қутилаётганимдан хурсанд бўлиб кетдим.

— Қаёқдан била қолдингиз, келинойи? – дедим севиниб. – Лекин ҳеч кимга айтманг, бу ҳозирча сир.

Эртасига қатъий бир қарорга келиб, шифохонага йўл олдим. Рўйхатхонадаги ҳамширадан ўзимга керакли маълумотларни билиб олдим. Янги тиш дўхтирининг исми-шарифи Назокат Ботировна экан. Ўзи тошкентлик, тиббиёт институтини битириб, йўлланма билан ишга келибди.

Назокатхонни кўрдиму, мен излаган қизнинг худди ўзгинаси шу эканлигига шубҳам қолмади. Устидаги оқ халат кўҳликкина қизни янада сулув қилиб кўрсатарди.

– Қайси тишингиз оғрияпти? – деб сўради у ёқимли товушда.

– Тепадагиси, – дедим таваккал қилиб.

– Тепадаги тишларингиз соппа-соғку, – деди у ланг очиқ оғзимни астойдил текшириб.

– Бўлмаса, пастдагиси, – дедим гап тополмай.

– Пастдагиси ҳам бут-бутун, – деди у қошларини чимириб.

– Даволайверинг, барибир бир кун оғрийди-да, – дедим ҳазил қилган бўлиб.

Унинг чеҳраси жиддийлашди:

– Туринг, ўша бир куни оғриганида келасиз, – деб навбатда турганларнинг бирини чақирди.

Шу вақтгача бирон марта тишим оғримаганига хафа бўлдим. Лоақал биттаси оғриганида ҳам танишиб олар эдим. Майли, дедим ўзимга ўзим. Ортга чекиниш йўқ. Севги қурбонсиз бўлмайди. Битта, иккита тишнинг баҳридан ўтсак ўтибмиз-да.

Кечқурун Ғуломжонларникига гапга йиғилдик. Тўртта ликопчадаги ёнғоқни тишларим билан чақиб, «Олмахон» деган лақаб орттирдим. Уйда меҳмонларга аталган бодомларни ҳам чақиб бўлдим. Лекин тиш оғриғидан дарак йўқ. Бозордан ёнғоқ, туршак, данак олиб келиб, машқни давом эттирдим.

Ниҳоят, орадан бир ҳафта ўтиб, интизор бўлиб кутилган тиш оғриғи бошланди. Онаси фарзанд кўрганида қариндошларидан суюнчи олиб юрган ёш боладай Назокатхоннинг қабулида ҳозиру-нозир бўлдим.

– Вой-бў, тишларингизнинг расвоси чиқиб кетибди-ку, – деди у ачиниб. Кейин лунжимга муздай дори пуркади. Шу дақиқа юрагим «шиғ» этиб кетди. Кўзим унинг бармоғидаги никоҳ узугига тушди. Оғзимдаги дорини шошганимдан ютиб юбордим.

– Узук ўзингизникими? – сўрадим овозим титраб.

– Фаросатдан ҳам жуда берган экан-ку, – деди у, – бировнинг узугини ким тақади?

– Ахир бир ҳафта олдин қўлингизда узук йўқ эди-ку... – дедим бўшашиб.

– Музаффар акамлар билан институтнинг охирги курсида турмуш қурган эдик. Биринчи маошимизга узук оламиз, деб ният қилгандик. Шу ниятимизга мана кеча...

Унинг бошқа сўзлари қулоғимга кирмади. Ўрнимдан отилиб туриб, чиқиб кетганимни билмай қолдим.

Шунақа гаплар... Вой тишим... Йўлда кетаяпману. Ўзимга ўзим дейман: «Ҳалиям бахтим бор экан. Агар жарроҳга ишқим тушганида борми...»

**Рустам ХУДОЙҚУЛ.**

# КРОССВОРД

**ЭНИГА:** 5.Автомобилнинг осойишта ҳаракатини таъминловчи қисми. 8.Энг чопқир йиртқич. 9.Азиз неъмат. 11.Билим, даражага оид ҳужжат. 12.Узунлик ўлчови асбоби. 13.Тиғли, дурадгорлик асбоби. 14.Ҳинд халқининг атоқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоби. 18.Билим манбаи. 19.Оптик шиша. 21.Миллий таом. 23.Думалоқ нарса. 25.Эроннинг шимолий-шарқий қисмидаги тарихий маъмурий вилоят. 27.Ўқув қўлланма нашри. 29.Билимдон. 31.Отанинг отаси. 33.Каспий денгизга қуйилувчи дарё. 34.Шеър тури. 35.Қувурларни уловчи мослама. 36.Металлнинг зарарланишидан ҳосил бўладиган модда. 38.Жавоҳир. 39.Саҳна санъати соҳаси. 40.Шамол тури.

**БЎЙИГА:** 1.Қитъа. 2.Ёнувчи газ. 3.Эрта тонг. 4.Ҳарбий машқлар ўтказиладиган жой. 6.Табиий фан. 7.Спорт ўйини. 10.Газ модда. 14.Ҳўл мева. 15.Бирор нарсадан вақтинча фойдаланиш. 16.Йирик ҳосилли тропик дарахт. 17.Муҳандислик қўшинлари аскари. 20.Миллий безак тури. 22.Камёб, йирик жануб ҳайвони. 24.Қадимги юнон файласуфи. 26.Савдо тури. 27.Маълум вақт, замон. 28.Ҳиндистондаги шаҳар. 30.Маълум бир соҳада эришилган натижалар учун бериладиган унвон. 31.Гальваник элементлардан иборат электр манбаи. 32.Асосан шимолий муз океанида тарқалган йирик ҳайвон. 37.Давлат рамзи. 38.Ёғ тури.

**Ф.ОРИПОВ тузди.**



## Газетанинг 3-сонидаги кроссворднинг жавоблари

**Диогонал бўйича:** 1. Балет. 2. Баскетбол. 3. Абдуллаев. 4. Обдор. 5. Октава. 6. «Металлург». 7. Бобожонов. 8. Сувора. 9. Оталиқ. 10. Аллома. 11. Шоира. 12. Лаққа. 13. Камар. 14. «Бемор». 15. Қоракўл. 16. Мураббо. 17. Галактика. 18. Ғалла. 19. Алоқа. 20. Фалак. 21. Роман. 22. Лакоматив. 23. Гладиолус. 24. Луанда. 25. Адолат. 26. Балалайка. 27. Қутлов. 28. Асорат. 29. Округ. 30. Сирка.

## Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Генетика. 2. Фиқҳ. 3. Лаҳжа. 4. Сабр. 5. Ғалтак. 6. Хум. 7. Чашма.

## Хикмат:

*Халққа лутфни кам қилмағил,*
*Ҳеч кишига жабру ситам қилмағил.*



**Мен чемпион бўламан!**

И. ҲАСАНОВ олган сурат.

## Ним табассум

– Алло, «тез ёрдам»-ми?! Зудлик билан етиб келинглар эримнинг иссиғи қирқ беш даражага чиқиб кетди.

– У ҳолда, азизим, тиббиёт чорасиз. Ўт ўчирувчиларга қўнғироқ қилинг.

* * *

Доктор беморга:

– Сиз мутлақо соғломсиз. Томирингиз бир текис ураяпти, нақ соатнинг ўзгинаси.

– Бунинг ажабланарли жойи йўқ, доктор! Сиз қўлингизни соатим устига қўйиб турибсиз.

*«050» хабарлари*

## БОРИНГЛАРГА ШУКУР

Мен Тўйтепадаги қариндошларимникидан қайтишимда калитни йўқотиб қўйдим. Уйга киролмасдан уч соат кўчада тентираб, ўтган-кетгандан ёрдам сўрадим ва кимдир Қутқарув хизматига қўнғироқ қилишимни айтиб қолди,- дейди Юнусобод 4-даха 42-уй 1-хонадонда яшовчи Нурсахон Вовженян.

Подполковник Ш.Юлдашов бошчилигидаги Қутқарув гуруҳи айтилган манзилга етиб келганда, хонадон эгаси кўчада совуқда кутиб ўтирарди. Унинг айтишича, уй ичида қўшимча калит қолган. Бунинг фақат бир йўли бор, бу ҳам бўлса балконга ўрнатилган панжарани кўчириб, дераза орқали кириш ва қўшимча калит ёрдамида эшикни очиш. Бу ишни Қутқарув гуруҳининг сардори сержант Р.Ортиқалиев ҳамда Ш.Давлетовлар аъло даражада уддалашди. Хонадон соҳибаси шаҳримизда шундай беминнат хизмат борлигидан, уларнинг ишидан қойил қолганлигини ва ўз миннатдорчилигини билдирди.

## БОЛАМНИ ҚУТҚАРИНГ

Қутқарувчилар Юнусободдан ўз ишларини битказиб бошқармага қайтишаётганда М.Улуғбек туманида бир ёшли бола уйда қамалиб қолганлиги тўғрисида хабар олишди. Қора сув даҳаси Ф.Йўлдош кўчаси 39-уй 4-қават 8- хонадонда ҳақиқатдан ҳам, онасининг эътиборсизлиги оқибатида бир ёшли бола уй ичида қамалиб қолганди. Қутқарувчилар болага қандай ёрдам бериш тўғрисида режа тузишди. Қўшни айвонига нарвон ўрнатилиб, дераза орқали уйга кирилди. Бола соғ-саломат онасига топширилди.

**М.ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар Бошқармаси матбуот хизмати ходими.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5